O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**БЕДОР ЎЙ**

***Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни оғишмай амалга ошириш!***

**Ислом КАРИМОВ**

1991–2000

9

## ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 58 КУН ҚОЛДИ!

- **1992 ЙИЛ 30 ЯНВАР.** Прага шаҳрида ташқи ишлар вазирлари мажлисида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)-га Ўзбекистон Республикаси қабул қилинди.
- **1992 ЙИЛ 16-17 ФЕВРАЛ.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)га аъзо бўлди.
- **1992 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛ.** Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 июл чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 128 (2425)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси мажлисида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг Самарқанд вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Уни қўмита раиси Искандар Қаландаров олиб борди.

Мазкур масала юзасидан дастлаб, қўмита раиси ўринбосари Йўлдош Жўраев ва Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Бердиали Бердимуродовларнинг ахбороти тингланди.

Ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган маълумотномага қараганда, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлган Фермер ва Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларнинг ижроси бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида вилоятда фермерлик ҳаракати кенг ёйилмоқда, деҳқонларнинг қизиқишлари ҳам тобора ортиб бораяпти. Фермер хўжаликлари эришаётган натижалар жамоа меҳнатига асосланган хўжаликлардагига қараганда анча юқори даражада.

Йиғилишда қатор ютуқлар билан биргаликда мазкур қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида айрим нуқсонлар ҳам борлиги айтилди. Чунончи, вилоятда ушбу қонунларнинг ижроси юзасидан алоҳида қарор қабул қилинган ҳолда уни амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмаган, бу борада туман ҳокимликларининг қарорлари ҳам мавжуд эмас. Фермерлик ҳаракати, қонунда белгиланганидек, меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган туманларда эмас, аксинча ер танқис бўлган ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудларда кўпроқ ташкил этилмоқда.

Туман ҳокимликларида шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига айлантириш ишлари жуда суст олиб борилмоқда. Янги деҳқон хўжаликларига ер участкалари бериш ишлари деярли тўхтаб қолган. Бу хўжаликларга моддий техника, ўғитлар, уруғлик, кимё воситалари етказиб берувчи ёки хизматлар кўрсатувчи муқобил хусусий фирма ва кооперативларни ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда қўмита ва ишчи гуруҳи аъзолари, мутахассислар кўрилган масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Муҳокама этилган масалага доир тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Она юрт бўйлаб...

*Таълим*

### КОМПЬЮТЕР КОММУНИКАЦИЯСИ

Мамлакатимизда коммуникация воситаларини амалиётда қўллашни ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар Ўзбекистондаги қатор олий ўқув юртларини ҳам замонавий коммуникацион техника воситалари билан қуроллантириш имконини бермоқда. Бунда ЮНЕСКО тайёрлаган замонавий коммуникация воситаларини ривожлантириш лойиҳаси ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Айнан шу нуфузли лойиҳа доирасида Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида компьютер коммуникациясини ривожлантириш ўқув маркази ташкил этилди.

Бу марказ энг замонавий компьютер қурилмалари ҳамда техника воситалари билан жиҳозланди.

*Ҳамкорлик*

### ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТЛАР

«ТАСИС-ТЕМПУС» лойиҳаси Европа дастури бўйича Тошкент Давлат техника университетида 1998 йили энергетик менежмент ўқув курси ташкил этилган эди. Унинг машғулотларини уюштиришда Берлин Давлат унивеситети ҳамда Афина таълим-технология институти олимлари билан бамаслаҳат иш тутилди.

Ўтган икки йил ичида Ўзбекистондаги энергетика корхоналари раҳбарлари ҳам машғулотларга жалб этилиб, энергетика ресурсларини тежаш бўйича янги технологиялар билан яқиндан таништирилдилар. Шу билан бирга ўқув курси томонидан энергетика фани бўйича Европа андозаларига мос келувчи 30 га яқин маърузалар матнлари намунаси ҳам тайёрланди.

Энергетик менежмент ўқув курсида бошқа мутахассислар ҳам ўз билим ва малакаларини оширдилар.

*Фикрлашув*

### ФАЛСАФА МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида Президент Ислом Каримовнинг "Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавобларида кўтарилган долзарб масалаларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фалсафа жамияти аъзолари, Фанлар академиясининг И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари ва талабалар иштирок этди.

Йиғилишда олий ўқув юртлари талабаларига фалсафа фанини ўқитишни Юртбошимиз кўрсатмалари асосида такомиллаштириш, уларни фалсафа курси бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар билан таъминлашни яхшилаш, фалсафа бўйича педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида сўз борди. Бу борада илмий ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш режаси ишлаб чиқилди.

*Ихтиро*

### ҲАМ ПАТЕНТ, ҲАМ ДИССЕРТАЦИЯ

Республика травмотология ва ортопедия институти ҳамда бошқа қатор тиббий муассасаларда синаб кўрилган янги қурилманинг истиқболли эканлиги амалиётда тўла исботланди. Бу тиббий аппарат Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ортопедия ва травмотология кафедрасида яратилди. У одам умуртқа суяклари синиқларини амбулатория шароитида даволашда кенг қўлланилади.

Бу янгилик энг яхши тиббий ихтиро деб топилди ва унинг муаллифларига республика патенти берилди. Тажриба-синов жараёнида амалга оширилган клиник кузатишларни олиб борган ёш тадқиқотчи Саидқосим Пардаевга ана шу изланиши учун тиббиёт фанлари номзоди, деган илмий даража берилди.

*Тақдимот*

### ЯНГИ ЖУРНАЛ

Халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган қадриятларимиздан бири – халқ табобати илмини ўзида акс эттирган «Шарқ табобати» журналининг нишона сони чоп этилди. Ойнома Ўзбекистон Халқ табобати академиясининг ташаббуси билан нашр этилди.

– Қадимдан тиб илми даҳолари билан машҳур бўлган юртимизда XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида халқ табобати қайта тиклана бошланди. Мақсад – унутилиб кетаётган халқ тиб илмининг муолажа усулларини тиклаш, уни чуқур ўрганиб, соғлиқни сақлаш тизимида қайта жорий қилиш билан фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишига эришишдан иборат.

Журналда серқуёш ўлкамиздаги машҳур табибларнинг даволаш сирлари, шифобахш гиёҳлар ва улар асосида тайёрланган мураккаб дориларнинг қўлланиш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади, жаҳон тиб илмига муносиб ҳисса қўшган ҳакимларимизнинг ҳаёт йўли кенг ёритилади.

**«Халқ сўзи», ЎзА ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июл куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) кенгаши президенти Ассад Котайтни қабул қилди.

ИКАО 1944 йилда халқаро ҳаво алоқаларининг хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий самардорлигини ошириш, бу борада давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир унга дунёнинг 185 мамлакати, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзодир. Мамлакатимиз 1992 йилдан буён ИКАО доирасидаги тадбирларда фаол қатнашиб келаётир. Ҳукуматимиз қарори билан1993 йилда ИКАО ишлари бўйича давлат комиссияси тузилган. Ўзбекистонда авиация соҳасини ривожлантириш, бу борада ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш ва авиация қатнови хавфсизлигини таъминлашда ИКАО билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари билан ИКАО кенгаши президенти ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда истиқболда ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида фикр алмашилди.

**ЎзА**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**

***Муҳаммад АМИН олган суратлар.***

## ТАРИХ ФАНИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Илдизсиз дарахт бўлмагани каби ўтмишсиз келажак ҳам бўлмайди. Шу сабабли ўзбек халқи ва давлатчилигининг ҳаққоний тарихини тиклаш ва халқимизга етказиш мустақиллик давридаги маънавий ривожланишнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Бу ишнинг долзарблигини белгилаган сабаблардан яна бири шуки, яқин шўро замонида бой миллий тарихимиз анча камбағаллаштириб кўрсатилди, жуда кўп тарихий воқеа-ҳодисалар, буюк тарихий сиймолар бирёқлама, қора бўёқларда талқин этилди. Миллий тарихни бутун борлиғи ва бойлиги билан тиклаш, уни адолат нуқтаи назаридан қайта ўрганиш мустақил Ўзбекистоннинг кекса ва ёш тарихчи олимлари, манбашунослари ва қадимшунослари зиммасига тушди. Бу борада илмий мутахассислар Президентимизнинг тарихий ўтмишга доир қарашлари ва ғояларини ўз тадқиқотлари учун илмий-методологик асос қилиб олмоқдалар. Юртбошимизнинг 1998 йил 27 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва соҳа мутахассислари билан учрашувида илгари сурилган муаммолар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзРФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида қўйилган вазифалар ҳам миллий тарихни қайтадан илмий-оммавий идрок этишимизда дастуриламал ҳужжатлардир. Президентимиз яқинда «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида ҳам тарих фани олдида турган ўткир вазифаларга яна бир карра кенг жамоатчилик эътиборини қаратдилар.

Яқинда ЎзРФА Тарих институти, Археология институти ҳамда М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимлари ҳамкорликда «Ўзбекистон тарихи фанининг бугунги аҳволи ва истиқболи» мавзусида ўтказилган республика семинарида миллий тарихни ўрганиш бўйича эришилган натижалар ва навбатдаги ишлар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тарих фани ривожига кўрсатаётган ана шундай катта эътиборидан келиб чиқиб, атрофлича муҳокама этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан тарих фанлари доктори Д. Алимованинг «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний тарихини ўрганиш вазифалари ва муаммолари» тўғрисидаги, тарих фанлари доктори Т. Шириновнинг «Ўзбек халқи ва давлатчилигини ўрганишда қадимшунос олимлар олиб бораётган илмий изланишларнинг натижаларига оид», тарих фанлар доктори Д. Зиёеванинг тарих фани бўйича истиқлол йилларида чоп этилган тадқиқотлар ва дарсликлар таҳлили, тарих фанлари доктори Р. Сулаймоновнинг «Ўзбекистон халқи ва давлатчилиги тарихини ўрганишда моддий-маданий мероснинг аҳамияти», шунингдек, тарих фанлари номзоди К. Ражабовнинг «Академик Яҳё Ғуломов номли Республика семинарининг икки йиллик фаолияти» ҳақидаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Республикамиз раҳбарияти томонидан тарих фанини ривожлантиришга кўрсатилаётган катта эътибор, яратилаётган имкониятлар, қилинаётган саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта: халқнинг миллат бўлиб шаклланишида тарихдан маънавий озуқа, амалий сабоқ, руҳий куч-қувват олишни таъминлашга эришишдир. Семинар иштирокчилари ана шу мақсад йўлида янада баҳамжиҳат ишлаш, мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш, илмий-амалий ҳамкорликни янада кучайтириш режаларини белгилаб олдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этдилар.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОНА САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ГАРОВИ

Тошкентда "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва саломатликни тиклаш соҳасидаги ислоҳотлар тарғиботини қўллаб-қувватлаш"мавзуида семинар ўтказилди. Мазкур тадбир республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ЮНЕСКО ва БМТнинг Аҳолишунослик масалалари бўйича жамғармаси ёрдамида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда жамғармалар, олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Семинарни очишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олишга доир профилактика тадбирларини ўтказиш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини қайд этди. Зеро, оналар саломатлиги миллат келажагининг гаровидир. Соғлом авлод — соғлом ота-она, соғлом бола, соғлом инсонлар демакдир. Бу соҳада самарали натижаларга эришиш учун, энг аввало, аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишларини амалга ошириш лозим. Семинарда бу борада оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Семинарда саломатликни тиклашнинг асосий тамойиллари ва бу борада халқаро миқёсда қўлга киритилган сўнгги ютуқлар каби масалалар муҳокама қилинди. Бу хусусда Голландиядаги "Роджерс Консалтингс" эксперти Дороти Брейкен берган ахборот кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонлик мутахассислар эса республикамизда аҳоли саломатлигини тиклаш муаммолари, хусусан, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлиги масалалари тўғрисида маълумот беришди.

Шуни қайд этиш зарурки, мазкур анжуман арафасида юқоридаги мавзуга бағишланган олти кунлик семинар ўтказилган эди. Унда ўқитувчилар, шифокорлар, "Камолот" жамғармасининг вилоят бўлимлари, маҳалла аёллар қўмиталари, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри "Тадбиркор аёл" уюшмаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида тренинг, баҳс, турли тест сўровлари, ишбилармонлик ўйинлари ўтказилди, саломатликни тиклашни қўллаб-қувватлаш ва тарғибот қилиш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Анжуман иштирокчилари, мазкур лойиҳа шартлари бўйича, бу йўналишдаги ишларни давом эттириб, ўз ташкилотларида, маҳалла, қишлоқ, туман аҳолиси ўртасида кичик семинарлар ўтказади. Шу нарсани англаб етиш керакки, саломатликни тиклаш - бу том маънода жисмоний, маънавий соғломлик ва ижтимоий фаровонлик демакдир.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклифлар билдирилиб, аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зуҳра УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ВАЛЮТА БОЗОРИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига

### ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги дастурий маърузасида бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини яратиш борасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида республика ҳукумати томонидан миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш, сўмнинг ички айирбошланишига эришишга қаратилган изчил сиёсат юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Валюта бозорини кенг эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши ички валюта бозорини эркинлаштиришга оид вазифаларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ушбу қарор республикадан четга чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг нақд хорижий валютага бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, банк хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида валюта алмаштириш операцияларини янада кенгайтиришга қаратилгандир.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари нақд хорижий валюталарни, яъни АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, француз франки ва инглиз фунт-стерлингини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банки ва «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг айирбошлаш шохобчаларидан сотиб олишлари мумкин. Мазкур банкларнинг айирбошлаш шохобчаларида нақд хорижий валюталарни сотиш хорижий давлатнинг кириш визаси қўйилган паспорт, авиация ёки темир йўл чипталари кўрсатилган тақдирда 300 АҚШ долларигача бўлган миқдорда амалга оширилади. Кириш визаси талаб этилмайдиган мамлакатлар, яъни МДҲ давлатлари, Малайзия, Таиланд, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларга бораётган фуқаролар учун паспорт, авиация ёки темир йўл чипталарини кўрсатиш кифоядир.

Қарорда, шунингдек, айирбошлаш шохобчалари томонидан республика фуқароларидан ва норезидентлардан юқорида таъкидлаб ўтилган хорижий валюталарни, чет эл банклари томонидан чиқарилган йўл чекларини бирон-бир ҳужжатсиз чекланмаган миқдорда сотиб олиниши белгилаб қўйилган.

Республикадан ташқарига чиқаётган фуқароларнинг нақд хорижий валютага бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўлиқ қондириш учун ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган нақд хорижий валютадан, шунингдек, мазкур банкларнинг ўз ва жалб қилинган маблағларидан тўла ҳажмда кейинчалик айирбошлаш шохобчалари орқали сотиш учун сарфланади.

Шу билан бирга, қарорда аэропортлар ва божхона чегарасини кесиб ўтиладиган бошқа жойларда, сайёҳлик мажмуалари ва савдо марказларида валюта айирбошлаш шохобчаларини қўшимча равишда очиш йўли билан валюта алмаштириш операциялари ҳажмини ошириш ва айирбошлаш шохобчалари тармоғини кенгайтириш кўзда тутилган.

Валюта бозорининг эркинлаштирилишига эришиш учун бозор жараёнлари билан белгиланадиган алмаштириш курсини тўғридан-тўғри назорат қилиш шарт эмас. Шу муносабат билан, қарорга мувофиқ, тижорат банкларига хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишнинг эркин курсини белгилаш тавсия этилган. Айни пайтда айирбошлаш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда хорижий валюта банкнотларининг ҳақиқийлигига шубҳа қилмасалар ҳам бўлади, чунки ҳар бир айирбошлаш шохобчаси хорижий валютанинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун тегишли назорат-ахборот материаллари, детекторлар, тестерлар ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қалбаки хорижий валютани ноқонуний тарзда олиб кириш ва Ўзбекистон фуқароларига сотишга интилиш ҳолатлари кучайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари катта миқдордаги қалбаки хорижий валюталарни сотиш ҳолатларини деярли ҳар куни аниқламоқдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ қўмитаси, республика Прокуратураси томонидан бундан буён ҳам республика ҳудудида нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш борасида қатъий чора-тадбирлар кўрилади.

Ушбу мақсадда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банки ва «Ўзуйжойжамғармабанк» айирбошлаш шохобчалари ходимлари валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларини билишлари юзасидан аттестациядан ўтказилиб, уларга тегишли гувоҳномалар берилди. Бунда малакали ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, айирбошлаш шохобчалари ходимларининг валюта айирбошлаш операциялари юзасидан масъулиятини ошириш, шунингдек, уларнинг қалбаки, шубҳали ва сохта банкнотларни фарқлай олишларига эътибор кучайтирилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Марказий банкда нақд хорижий валюта бозорининг ҳолатини кузатиб борувчи махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳининг асосий вазифалари нақд валюта бозори оборотларини баҳолаш, нақд хорижий валюта тушумининг асосий оқимлари ва уларнинг ишлатилиши йўналишларини аниқлаш, нақд хорижий валюта бозорларидаги айирбошлаш курси даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Ушбу қарорга илова қилинган «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисида низом» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш ва валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

